

"Юксалиш мезонлари" кўрсатуви



Юртимиз истиқлолининг ўтган чорак асрида эришилган натижалар – "асрларга татиғулик йиллар" сифатида баҳоланиб, тарихда ўзининг муносиб баҳосини олмоғига шубҳа йўқ. Ҳар бир соҳанинг ўз шонли саҳифаси, тадрижий солномаси бўлгани сингари, йўлсозликнинг ҳам улкан рақамлари, қиёсга арзигулик амалий натижалари бисёр.

Ўзбекистон телерадиокмпанияси "Mahalla" телерадиоканали ижодкорлари билан ҳамкорликда яратилган ["Юксалиш мезонлари" \("Yuksalish mezonlari"\)](#) кўрсатуви Ўзбекистон йўлсозларининг мустақиллик йилларида эришган ана шундай улкан натижалари, уларнинг юртимиз иқтисодиёти ва бугунги кўркем қиёфасига қўшган салмоқли ҳиссаларига бағишланади. Бундан ташқари кўрсатувда келгусида соҳада хизмат қиладиган кадрлар тайёрлаш масаласи ва унинг ечими борасида қилинаётган ишлар ҳам батафсил ёритилган.

[Видеолавахга хавола:http://uzavtoyul.uz/uz/site/video/22](http://uzavtoyul.uz/uz/site/video/22)